

## Миллий ва маданий хусусиятлар доирасида немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг тавсифланиши

Шахло Мухторовна Юсуфжонова  
usufzonovasahlo@gmail.com  
Фарғона давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақола таржимада миллий ва маданий хусусиятлар доирасида фразеологик бирликларнинг тавсифланиши, уларнинг луғатларда таржима қилиш муаммолари масалаларига асосланган.

**Калит сўзлар:** миллий хусусият, маданий хусусият, фраза, лексема, морфема, синтактик боғланиш, лисоний бирлик

## Description of phraseological units in the German and Uzbek languages within the framework of national and cultural characteristics

Shakhlo Mukhtorovna Yusufjonova  
usufzonovasahlo@gmail.com  
Fergana State University

**Abstract:** This article is based on the description of phraseological units in the framework of national and cultural characteristics, problems of their translation in dictionaries.

**Keywords:** national feature, cultural feature, phrase, lexeme, morpheme, syntactic connection, linguistic unit

Тилларнинг ўзаро алоқаси - трансформациялашувига талаб вужудга келиб, унинг ечимига эҳтиёж пайдо бўларкан, матнларнинг бир тилдан иккинчи бир тилга ўгирилиши - таржима қилинишида жараёнлар таҳлилига мутахассислар аралашувини талаб қиладики, ҳар бир лисоний бирликнинг ўзга тилдаги эквивалентини топиш, уларнинг ўзаро мослик даражасини белгилаш зарур. Айниқса, компьютер дастурлари воситасида амалга оширилган таржималарда бу жараён яна-да мураккаблашади. Бу борада тилнинг турғун бирикмалари - фраземалар тилда аксарият ҳолларда кўчма маънода қўлланиши ҳамда кўпинча одатий синтактик бирликлар билан ўхшаш шаклга эга бўлганлиги сабаб,

лексемалардан фарқли ўлароқ, алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржима жараёнларида муайян мураккабликларни юзага келтириб, масалага тилшунослик соҳаси мутахассисларининг қўмаги зарурлигини кўрсатади. Айниқса, уларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш янада долзарбдир. Тилшуносликда сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар ва тадқиқотларда прагматик таҳлилларга кенг ўрин ажратилаётган бўлса-да, ҳали бу борада монографик планда эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар талайгина. Ана шундай масалалардан бири тиллардаги фраземалар ва уларни бир тилдан иккинчи тилга таржимасидир. Тилларда фраземалар аксар ҳолларда кўчма маъно ифодалаб, улардаги умумий ва ўзига хос томонлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, алоқа-аралашувнинг миллий-маданий ва умумлисоний белгиларини аниқлаш учун объект бўла олади.

Таржимашуносликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, бунда фан, санъат ва тафаккур уйғунлашади. Таржимон асарнинг туб моҳиятини англамай, қаҳрамонлар дунёқарашини тўлиқ ҳис қилмай туриб, асарда қўлланган сўз ва ибораларнинг муқобилини тўғри танлай олмайди, ўзи англаб етмаган асар руҳиятини ўзгаларга етказиб беролмайди. Айниқса, ўзбек ва Европа тиллари матнларини ўзаро таржима жараёнларида миллий-маданий белгилар мос келмаслиги кўп учрайди. Бу ҳолат тилнинг турғун бирикмалари - иборалар, тасвирий ифодалар ва мақол-маталлар таржимасида янада долзарбланиши. Тилнинг турғун бирикмалари шаклан синтактик қурилишли бўлиши билан бирга мазмунан умумий семантик бутунликка эгадир. Таржима жараёнида маълум ўзгаришлар - услуб ва ифодадаги муайян йўқотишлар рўй бериши мумкин, булар кўпроқ экстралингвистик воситалар, аниқ ёки яширин тарзда миллий менталитетни у ёки бу даражада ифода этган бирликлар мазмунида кузатилади.

Таржима ва таржимашуносликнинг асосий масалаларидан бири икки тил бирликлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини ўрнатишдир. Асарларда қўлланилган ва амалиётга жорий қилинган узул ҳолатда (оказионал эмас) мавжуд эквивалент тил бирликлари асосида муқобиллик ўрнатиш талаб этилади. Тилнинг миллий-маданий характерга эга бўлган бирликлари таржима жараёнида алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб қилади.

Бунда эквивалентликнинг семантик, стилистик, узул ҳамда коммуникатив хусусиятларини фарқлаш талаб этилади: семантик эквивалентлик икки тил бирликларининг бир хил маънога эга бўлиши, умумий референтга боғлиқлиги ҳамда бир хил маъно кўламига эгаллиги; стилистик эквивалентлик икки тил бирликларининг бир хил функционал-стилистик характеристикага эга бўлиши; узул эквивалентлик иккала тилда ҳам бирликларнинг бир хил қўлланиш даражаси ҳисобланади.

Фраземалар таржимасига киришишдан аввал тиллардаги турғун сўз бирикмалари таркибида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи фразеологик иборалар - фраземаларнинг тил бирлиги мақомини ва уларнинг категория белгиларини аниқлаб олиш талаб этилади. Дарвоқе, таҳлилга тортилаётган ҳар қандай объектнинг структур-семантик, функционал-стилистик хусусиятларни атрофлича тавсифламай, ўрганмай туриб, уларни таржима қилиш масалаларини ҳал қилишга киришиш турли қийинчиликларни юзага келтиради.

Фразеологик бирликлар ҳар қандай тилнинг лексик бирликлари каторида номинатив, коммуникатив хусусиятларга эга зарурий тил бирлиги эканлиги эътироф этилди, уларнинг турли семантик, структур, функционал хусусиятлари махсус мезонлар асосида очиб берилди ҳамда ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда турлича тавсифланди.

Биринчидан, фразеологик ибора мақомини олиш учун турғун сўз бирикмаси турғун шаклга, турғун компонент таркибига эга бўлиши зарур. Ушбу хусусият фраземаларни эркин сўз бирикмаларидан фарқлашда асос ҳисобланади.

Иккинчи асосий мезон фраземаларнинг камида икки компонентли бўлишидир. Ушбу мезон орқали ҳар қандай кўчма маънода ишлатиладиган - метафорик, метонимик ва ўхшатиш маъносидаги сўзлар фразеологизмлар таркибида ўрганилмайди.

Фраземаларнинг учинчи зарурий хусусияти - улардаги компонент таркибининг маъно турғунлигидир. Аммо ҳалигача тиллардаги фраземаларнинг “дунё”га келиш жараёни, шаклланиш механизми жаҳон тилшунослигида тўлиқ ўрганилмаган.

Фраземаларнинг стилистик таснифи ҳар қандай луғат тузиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, аксарият фраземаларнинг эмоционал-экспрессив буёқдорлигидир. Шу боисдан ҳам даставвал фраземаларнинг умум адабий тил даражасига тааллуқлилиқ мақомини аниқлаш талаб этилади. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фраземаларнинг куйидаги категорияларини тавсифлаш зарур эди:

а) адабий тил фраземалари, яъни адабий тилнинг барча нормаларига жавоб бера оладиган фразеологик иборалар;

б) оғзаки нутқда қўлланадиган фраземалар. Бундай фраземалар адабий тил нерархиясида мавжуд бўлиб, адабий тил ҳамда сўзлашув тили чегарасида учрайди;

в) кундалик оғзаки нутқ жараёнида учрайдиган “қўпол”, “ҳақоратомуз” ибораларни алоҳида тавсифлаш зарур. Уларнинг стилистик моҳияти аниқ очилмасдан туриб, бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди.

Фраземаларни грамматик нуқтаи назардан тавсифлаш, яъни уларнинг қайси сўз туркумига тааллуқли эканлигини аниқлаш масаласи ҳам лексик луғатлар доирасида очиқлигича қолмоқда. Дарвоқе, лексик бирликларнинг грамматик хусусиятларини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Фраземаларнинг семантик-структур хусусиятлари уларнинг қайси сўз туркумига тааллуқли эканлигини аниқлашда бир қадар мураккаблик касб этади. Фраземалар таржимасида эса ушбу ўлчов икки ҳисса ортади. Чунки фраземалар маъно доирасини аниқлаш, улардаги миллий-маданий хусусиятларини илғаб олиш ва таржима тилида шунга мос тушадиган ибораларни эквивалент сифатида мослаштириб танлаш луғат тузувчидан катта масъулият ва маҳорат талаб этади.

“Фразеологик луғатларда фраземалар таржимасини такомиллаштиришда миллий-маданий хусусиятларнинг ифодаланиш масаласи” фаслида луғатлар ва уларда фразеологик бирикмаларнинг берилиши, айниқса, таржима жараёнларида миллий-маданий тушунчаларнинг эътиборга олиниши масаласи атрофлича таҳлил қилинган.

Дунё фразеография амалиётида фраземалар таржимаси асосан куйидаги тамойиллар асосида амалга ошириб келинмоқда.

1. Тўлиқ эквиваленти - муқобили мавжуд бўлган фразеологик бирликлар орқали таржима қилиш;
2. Қисман эквиваленти мавжуд бўлган фраземалар орқали;
3. Маъно жиҳатидан ўхшаш, лекин турли образлар асосида шаклланган фраземалар орқали таржима қилиш;
4. Танлаб олиниши мумкин бўлган эквивалентлар орқали;
5. Умуман эквиваленти мавжуд бўлмаган фраземаларни сўзма-сўз ёки изоҳли таржима қилиш.

Немис ва ўзбек тилларидаги мақол, матал, ҳикматли сўзлар ўзига хос миллий-маданий, лисоний хусусиятларга эга бўлишлари билан бир қаторда улар ўз мазмун -моҳиятларига кўра бир қатор умумийликка ҳам эга. Немис тили мақоллари тузилишида ғарб маданияти белгилари таъсирида материалистик қараш нисбатан устунлик қилса, ўзбек тили материаллари, жумладан, мақолларида шарққа хос фалсафий-маданий қарашлар устуворлик қилади. Масаланинг бу жиҳатлари эса тилшуносликда ҳали ўрганилмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Abdurazzakov Y.U. Use of non- standard forms and methods in a foreign lesson.- Academia: Gospodarka I Innowacje,2022.- 1003-1010 b.

2. Abdurazzakov Y.U. Organizing lecture activities effectively foreign languages.- Academia: Galaxy international interdisciplinary research journal(GIIRJ), 2022

3. Abdurazzakov Y.U. About the Problems of Language Teaching to Little Children.- Academia: International Journal of Culture and Modernity, 2022

4. Mukammal U. Kosimova. (2022). THE DEVELOPMENT PROCESS OF THE SUBJECT OF STYLISTICS AND ITS MAIN TASKS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 3(11), 1–7.

5. M.U. Kosimova (2022). DIFFERENT CLASSIFICATION OF FUNCTIONAL STYLES. Ученый XXI века, (4 (85)), 7-9.

6. Mukhtorovna, Y. S. (2021). Regularly used phrasal verbs German language. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 673-680.

7. Yusufjonova, S. (2021). Certain linguistic peculiarities of phraseological units. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(2), 289-293.

8. Mukhtorovna, Y. S. (2022). Historical Development of Translation of Phraseological units. International Journal of Culture and Modernity, 14, 20-29.

9. Yusufjonova, S. (2020). COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASES IN UZBEK AND GERMAN. Theoretical & Applied Science, (2), 590-592.

10. Yusufjanova, S. M. (2022). GENERAL PROBLEMS OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 3(02), 30-35.

11. Yusufjonova, S. M. (2019). Set phrases in German language. International Journal of Student Research, (3), 80-83.

12. Юсуфжонова Шахло Мухторовна ТАРЖИМА МУАММОЛАРИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ТАВСИФИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2022/7/1 94-98.

13. Shakhlokhon Mukhtorovna Yusufjonova. PHRASAL VERBS WITH “HEART” IN GERMAN AND OTHER FOREIGN LANGUAGES. NOVATEUR PUBLICATIONS JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 8, ISSUE 1, Jan. -2022, 109-117.

14. Yusufjonova Sh.M. Nemis va o`zbek tillarida frazeologik brikmalarning ma`no jihatdan birhilligi va farqi UO`K 808.3. XORAZM MA`MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI –12/2021\_366-368.

15. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НЕМИС ХАЛҚИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. УДК:40/42/48. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621 2022. 08.20. 10-Son. Б.104-109

16. Axmadjonov Nurbek, Xabibullayeva D. CLASSIFICATION AND LINGUOCULTROLOGICAL CHARACTERISTICS OF PRECEDENT UNITS. FARS INTERNATIONAL JOURNAL OF EDUCATION, SOCIAL SCIENCE HUMANITIES. ISSN: 2945-4492. 10(12); 2022; Impact Factor: SJIF 2022 6.786. P. 777-780

17. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD) БАДИЙ МАТНЛАРДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИНГ МЕТАФОРИК АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА. ЎЗБЕКISTONDA O‘QITUVCHI JURNALI. 5 YANVAR / 2023 YIL / 25 – SON. ISSN: 2181-2330. Impact Factor: SJIF:4.833. 2022. B.155-159

18. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD) ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ ВА ТАСНИФИ. О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. ISSN: 2181-3302.SJIF:4.621. 14-SON. 20.12.2022. B.1235-1237

19. Nurbek Akhmadjonov, Gulzoda Dadamirzayeva Signs of a precedent name (example of the name “Berliner Mauer”). "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1. B.1178-1183

20. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент, Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD). ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИ ТАДҚИҚИ. О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. ISSN: 2181-3302.SJIF:4.621. 15-SON. 20.01.2023. B.233-239

21. Axmadjonov Nurbek, Islomonova Jasmina. BADIY MATNDA ALLYUZIV ANTRONIMLARINING XUSUSIYATLARI Journal of Advanced Research and Stability Volume: 03 Issue: 01 | Jan - 2023 ISSN: 2181-2608